



YOSHLAR OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда оширишни таъминлаш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига энг кам:

иш ҳақи — ойига 202 730 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 396 500 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 396 500 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 243 300 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компен-

сация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг куйи разрядлари тариф коэффициентларини ўртача 10 фоизга, шу жумладан, 1-разряд бўйича 15 фоизга, 2-разряд бўйича 10 фоизга ва 3-разряд бўйича 5 фоизга ошириш орқали меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг жадал равишда оширилишини кўзда тутиган ҳолда 2019 йил 1 январдан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан сақланадиган ташкилотларда банд бўлган универсал касблар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларни танқидий кўриб чиқсин ва 2019 йил 1 январдан уларнинг янгиланганларини жорий этсин;

(Давоми 2-саҳифада)

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ИЛҒОР БЎЛ, ЕЛКА ТУТ Ёшлар ижод саройида “Иқтидорли ёшлар” республика форуми ўтказилди МАМЛАКАТИНГГА!

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган форумда Инновацион ривожланиш, Қишлоқ хўжалиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази, Интеллектуал мулк агентлиги мутасаддилари ҳамда ҳудудлардан сараланган 170 нафардан зиёд олим ва ихтирочи қатнашди.



Ф.НАЗАРМАТОВ

BIZNESGA QADAM

ТАДБИРКОР ҚИЗ 20 ТА ИШ ЎРНИНИ ЯРАТДИ

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида тузилган жамғарма кўмаги билан мингбулоқлик Хилола Хотамова тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Куни кеча унга тегишли “Zarina fashion” тикувчилик корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги ишлаб чиқариш объектида нафақат бичиш-тиктиш, балки дизайнерлик ишлари ҳам олиб борилди.

Хилола банкдан 170 миллион сўм миқдорига имтиёзли кредит олиб, шахсий бизнесини бошлагани. Шунинг эвазига

20 нафар тенгдошини ҳам иш билан таъминлаган.

— Келажакда муаллифлик брендинг ҳамда модалар уйига асос солмоқчиман, — дея ўз максаллари билан бўлишди тадбиркор қиз. — Ўзимга, қолаверса, қўли гул, иқтидорли чеvarлардан ташкил топган ахил жамоамга ишонаман. Мени хар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган Ёшлар иттифоқига алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Зулайхо ЗАЙНИДИНОВА



Хикматилла ЗАЙНИДИНОВ, фармацевтика фанлари доктори:

— Давлатимиз маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозир тармоқда 154 та корхона фаолият кўрсатиб, 2 минг 500 дан ортиқ дори воситаси ва тиббий буюм ишлаб чиқараётир. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо камчиликлар ҳам етарли. Хусусан, фармацевтика корхоналаримизнинг аксариятида замонавий технологиялар умуман қўлланилмайди. Кўп қисми тўлиқ циклда ишлаб чиқаришга ўтиш ўрнига, ҳали ҳам хориддан тайёр маҳсулотни олиб келиб, қадоқлаш билан шугулланмоқда. Мазкур форум биз, мутахассисларга шунга ўхшаш тизимли муаммолар ҳақида очик-ошкора гапиришимиз учун майдон яратди.



Айтиш керак, эртамиз эгалари қўл урган лойиҳалар бир-бирдан долзарб ва аҳамиятли. Масалан, Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти тингловчиси Хуснибод Норова Ҳиндистон аниордан дори воситасини тайёрлаш усулини ишлаб чиққан. Шифобахш препарат овокат ҳазм қилиш, қўлдаги доғларни йўқотишда ёрдам бериб, кўриш қобилиятини яхшилайдди.

Бухоро давлат университети талабаси Ойхон Маматқобулова инсульт касалигининг олдини олишга хизмат қилувчи дори воситасини яратган. “Афсуски, изланишларим факат қоғозда қолмоқда, — қуюнчаклик билан гапирди у. — Ишланмаларни амалда сынаб кўришга эса, техник имкониятимиз йўқ. Бу борада вилоятдаги қўллаб ташкилотларга муурожаат қилдим. Садо чикмади. Энди “Иқтидорли ёшлар” форумидан нажот кутяпман”.



Энг ёш иштирокчи Фазлиддин Гофуров озик-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддатини аниқловчи қурилма яратган! Ана холос, бола бўлса ҳам бало-да!

Қўннинг иккинчи ярмида эса, иштирокчилар шўьбаларга бўлинган ҳолда аниқ фанлар, техника, қишлоқ хўжалиги, замонавий ахбо-

ЎРТА ОСИЁ ЁШЛАРИ БИР МАҚСАД АТРОФИДА БИРЛАШДИ

Термизда Ўрта Осиё мамлакатлари ёшларининг
“Дўстлик” форуми бўлиб ўтди



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган тадбирда кейинги пайтларда мамлакатимизда айниқса, қўшни давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимиз ташаббуси билан ўтқа-

зилган мазкур форум ҳам ана шу олижаноб максалларга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлди. Афғонистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг истеъдодли ва изланувчан ёшларини бириштирган тадбир юкори савияда ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



газмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Наманган муҳандислик-қурилиш институти талабаси Жаҳонгирмирозо Икромов устози кўмагида қадим Бухородаги Варахша қасри қизил зали деворларидаги тасвирларни реставрация қилиш билан шугулланмоқда. Унинг меҳнат маҳсули келгусида қўхна заминга келувчи сайёҳлар оқимининг янада ортишига хизмат қилса, ажаб эмас.

Форумнинг биринчи қисмида мамлакат инновацион салоҳиятини оширишда ёшларнинг ўрни ва роли, уларнинг илғор ташаббусларини рўёбга чиқариш йўлида юзага келаётган муаммолар, йигит-қизларнинг илмий-техникавий фаолиятини рағбатлантириш каби масалалари муҳокама этилди.

Муроджон РАСУЛОВ, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази директори ўринбосари:

— Бу каби лойиҳалар асосида ёшлар ва давлат ўртасидаги мулоқотни жонлантиришга хизмат қилади. Юртимизда ахборот технологияларига қизиқувчи йигит-қизлар жуда кўп. Лекин, афсуски, аксарияти ўз лойиҳасини рўёбга чиқаролмай овера. Бу эса, ҳафсаланинг пир бўлишига олиб келади. Шу боис вазирлик ва идоралар ўсиб келаётган авлодга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериши даркор.



рот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларидаги инновацион лойиҳалар тақдимотини ўтказди.



Тошкентлик Фазлиддин Гофуров 13 ёшда. Юнусобод туманидаги 327-мактабда тахсил олади. Тумандаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказининг роботехника тўғараги азоси. Қишлоқ хўжалигига қизиққани боис, намликни ўлчовчи қурилма яратди. У бободехқонларимиз учун, балки кундалик турмушда ҳам, айтилик, озик-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддатини аниқлашда асқатиши мумкин. Ана холос, бола бўлса ҳам бало-да!

“Иқтидорли ёшлар” республика форуми якунида тўртала йўналиш бўйича энг яхши тақдимотлар аниқланиб, муаллифлари муносиб тақдирланди.

Нозима МИЯССАРОВА

MULOQOT



Қимматли
маслаҳатлар

Миробод туманидаги ҳарбий қисмда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ички ишлар вазирлиги Корвул қўшинлари ҳамкорлигида "Соғлом оила — жамият пойдевори, у давлат ҳимоясида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

да низоларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлари, ҳар бир нохуш ҳолатни бартараф этиш йўллари реал мисоллар асосида тушунтирилди.

Малик СИНДОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР
ВА НАҒАҚАЛАР МИҚДОРINI
ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланғич 1-саҳифада)

халқаро молиявий институтлар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг унинг натижалари, бажарилаётган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва масъулияти билан янада узвий боғлиқлигини таъминлашни назарда тутадиган Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш концепциясининг ишлаб чиқиш ва 2019 йил 1 сентябрга қадар мuddатда киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган ташкилотлар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларга иш ҳақининг қонун ҳужжатларида

белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўланишини таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига мазкур Фармоннинг қабул қилинишидан сўнг қўшимча харажатларни қоплаш учун тегишли бюджетлар параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-5469-сон Фармони унинг 6-банди истисно қилинган ҳолда 2018 йилнинг 1 ноябидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 октябр

SPORT



12 МЕДАЛЬ
ЧАККИ ЭМАС

Шерзод МАҲМУДОВ

Аргентина пойтахтида давом этган Ш ёзи ўсмирлар Олимпия ўйинларида вакилларимиз бирин-кетин зафарлар кучмоқда.



билан чекланган бўлса, байдарка ва қанозда эшак эшиклари Гулбахор Файзиёва шохсупанинг биринчи, Исломжон Абдулсаломов иккинчи погонасидан жой олди.

Яна бир олтинни терма жамоамиз ҳисобида эркин курашчи Умиджон Жалолов ёздири. 80 килограмм вазн тоифасида гиламга тушган Муҳаммадрасул Раҳимов чеккида эса, битта бронза медали бор. Айни пайтда ўзбекистонлик спортчилар жамланган медаллар сони 12 тага етди. Шундан ҳозирча тўрттаси олтин.

Спорт кураши баҳсларида финалгача етиб борган Шохидо Аҳмедова қумуш медал

ЎРТА ОСИЁ ЁШЛАРИ
БИР МАҚСАД АТРОФИДА
БИРЛАШДИ

(Бошланғич 1-саҳифада)

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳеч қимдан кам бўлмадан улғайиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши, хусусий бизнес билан шуғулланиши, инновацион соҳаларни ҳаётга таъбиқ этиши учун барча шароит яратилмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада сўнгги икки йилда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 5 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилди. Ўтган йили Термиз туманида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази иш бошлади. Бу ерда 130 га яқин афғон ўғил-қизлари ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича олий маълумотли ўқитувчи ҳамда темир йўл транспорти мутахассислиги касбини эгалламоқда. Термиз давлат университетида икки йил муқаддам 50 га яқин йўналишда кадрлар тайёрланган бўлса, жорий йилда ёшлар 89 йўналиш бўйича касб сирларини ўрганаётган.

Ўрта Осий мамлакатлари ёшлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида бўлиб, бу ерда қўшни давлат ёшларининг таълим олиши, касб ўрганиши учун яратилган шароитлар билан таништи. Термиз давлат университетида ташкил этилган илмий-амалий конференцияда архитектура, экология, илм-фан йўналишларидаги тақдимотлари билан иштирок этди.

— Анжуманда "Жанубий Орол бўйида инкирозга учраган экосистемаларнинг ҳозирги ҳолати ва уни яхшилаш йўллари" мавзусидаги тақдимотим қўшни давлатлар ёшларида катта қизиқиш уйғотди, — дейди Мирзо Улғабек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, "Ёш олимлар" кенгаши аъзоси Нодирбек Хуррамов. — Чунки, бу масала бутун Ўрта Осий минтақаси муаммосидир. Бизнингча, минтақадаги мамлакатлар ёшлари бирлашиб, биргаликда ҳаракат қилсак, вазиятни ўнглаш имконияти албатта топилади.

Форум доирасида умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларига, замонавий sanoat корхоналари ҳамда "Термиз марвариди" санаторийсига уюштирилган саёҳат, бахши-шоирлар билан учрашув, Термиз шаҳридаги мухташам "Санъат саройи"да театрлаштирилган сахна асарлари намойиши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Термиз шаҳридаги халқаро ёшлар оромгоҳида ташкил этилган спорт беллашувлари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар Шероф туманида Сурхондарёнинг тансиқ таомларидан бири — тандир қабони тайёрлаш жараёнини ўзгача қизиқиш билан кузатди.

— Бизда ҳам қўйи гўштидан турли таомлар тайёрланади, — дейди қозғонистонлик Уалихон Болатбек. — Лекин қадимий услубда бунақа таом тайёрланишига би-

ринчи марта гувоҳ бўлиб турибман. Бу жараёни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Сирларини билиб олдим. Тайёр бўлгач, тандирдан олиниши билан тановул қилиб қўрдим. Ох, мазаси оғзимда қолди. Юртимизга қайтгач, бу ҳақда дўстларимга албатта сўзлаб бериш бораборида уни ўзимизда ҳам тайёрлашга ҳаракат қилиб қўраман.

Сурхондарё вилояти аҳолисининг 57 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар тадбиркорлик, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, бу йил 24 ўғил-қиз республика кўрик-танловларида, 144 нафари фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллади. Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакат миқёсида ўтказилган спорт беллашувларида вилоят ёшлари 96 олтин, 88 қумуш ва 100 дан ортиқ бронза медалини қўлга киритди. Қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда мамлакатимиз шарафини хилом қилган ёш спортчилар 22 олтин, 24 қумуш ва 17 бронза медалга сазовор бўлди. Шунга мос равишда ўқишдаги муваффақияти, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган беш нафар йигит-қиз "Мард ўғлон" ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони билан тақдирланди.

— Биз сизларга қирғиз халқининг, ёшларининг дўстлик саломинини олиб келдик, — дейди А.Мадалиев. — Ўзбекистоннинг янги босқичда ривожланаётгани ва бу ерда ёшлар учун яратиб берилаётган шароитлар билан танишдик. Қирғиз ва ўзбек халқлари азалдан яқин қўшни, дўст-биродар бўлиб яшаган. Мазкур форум бизнинг ана шу анъаналарини давом эттиришимизда муҳим аҳамият касб этди. Сурхондарё бой таассурот уйғотди. Бу ерда қўшлаб дўстлар орттирдик. Тарихий обидаларини зиёрат қилдик.

Ўрта Осий халқлари учун бирдек долзарб бўлган турли муаммолар атрофида қизгин баҳс юритилган тадбирнинг самимий руҳда дўстона, очик мулоқот тарзида ўтгани қўшни афғон ёшларининг ҳам мазкур форумга қизиқишини янада кучайтирди.

— Форумда илк марта катнашяпмиз, — дейди афғонистонлик С.Башаш. — Бизнинг тилимиз, динимиз, ахлоду илдиларимиз бир. Энг муҳими, максдаларимиз муштарак. Тадбир барчамиз учун жуда фойдали бўлди. Келажакда мазкур форум Афғонистонда ҳам ўтказилишини истаймиз. Биз, ёшларга мана шундай кенг имконият яратиб берган Ўзбекистон давлатига миннатдорлик билдирдим.

Тадбир доирасида вилоятдаги миллий маданий марказларнинг халқ амалиёти санъати ва хунармандчилик бўюмлари кўргазмаси ташкил этилди. Қардош халқлар ёшлари воҳадига муқаддас қадимий ва тарихий обидаларини зиёрат қилди.

Форумнинг тантанали очилиш маросимида тинчлик, дўстлик, қардошлиқ ва меҳр-муҳаббат тараннум этилган куй-қўшиқлар иштирокчиларга бир олам завқ улашти.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

BOLANING BEGONASI BO'LMAYDI

Жиноятга жавоб — "ЙЎҚ"!

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Ёшлар иттифоқи Бўстонлик туманида "Менинг маҳаллам жиноятлардан холи ҳудуд" шиори остида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳини ташкил этди.

Лойиҳага Сирдарё вилояти ички ишлар бўлими профилактик ҳисобида турган вояга етмаганлар, шунингдек, Президент фармонида кўра, афв этилган ҳамда Ёшлар иттифоқининг қафиллиги асосида суд залидан озод этилган ёшлар жалб қилинди.

Илк кун иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда бир-бири билан танишиб олди. Ке-



Йинги кун ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати

тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

"Вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг ижроси юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгаши эса, адашган ёшларни иллатлардан огоҳ этиб, мафқуравий иммунитетини кучайтириш мақсадида "Мен Ватаним учун нима қилдим?" мавзусида очик мулоқот ташкил қилди. Бунга қўшимча равишда экстремизм ҳамда одам савдосига қарши курашишга доир тарғибот фильми намойиш этилди.

Асосий машғулотлардан бўш вақтда болаларга футбол, волейбол, стол тенниси, эстафета, мерганлик, шахмат-шашка мусобақаларида маҳоратини тоблаш имкони яратилди. Ишонлар танлови ҳамда турли маданий тадбирлар ҳам йиғилганларга манзур бўлди.



кутубхона мавжуд. Уларнинг фаолиятини мунтазам такомиллаштириб бориш ҳамда соҳадаги кадрлар салоҳиятини юксалтириш айна мuddао. Ҳафталик доирасида ташкил қилинаётган давра суҳбатлари, конференциялар, ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларида мутахассислар айнан шу масалалар юзасидан ечимлар таклиф қилди.

Ҳафталикнинг дастлабки кунинда "Китоб ва китобхонлик — инсон маънавияти кўзгуси" мавзусида республика семинари, АҚШ Конгрессининг кутубхонаси билан биргаликда кутубхона фондларини рақамлаштириш ва сақлашга доир видеоконференция ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидовнинг "Журналист суриштируви: тажриба ва таҳлил" номли китоби тақдимоти каби бир қатор аҳамиятли тадбирлар бўлиб ўтди.

— Бугун ҳудуддан келган қўшлаб ҳамкасбларим билан танишдим, — дейди Кармана туманидаги 1-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Маржона Хўжаева. — Ўзаро тажриба алмашиб, янгиликлардан хабардор бўляпмиз. Бундай ҳафталик келгуси фаолиятимда асқатади, деган умиддаман.

Ҳафталик давомида "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси — 2018" танловининг республика босқичи, Тошкент вилояти "Турон" ахборот-кутубхона марказининг 100 йиллигига бағишланган юбилей тадбири, шунингдек, "Библиограф мактаби"нинг назарий ҳамда амалий машғулотларини ўтказиш ва бошқа қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

КУТИЛГАН МУЛОҚОТЛАР
МАЙДОНИ

БАБДУЛҲОЛИҚОВ,
МАҚЛЕБЕКОВА

Пойтахтимизда "Infolib Uzbekistan – 2018" VII Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди. Асосий тадбирлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтмоқда.

Ҳафталикнинг очилиш маросимида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент ахборот технологиялари университети вакиллари сўзга чиқди. Иштирокчилар

юртимизда китобхонликни оммалаштиришга қаратилган эътибор ва "Infolib Uzbekistan" лойиҳасининг аҳамияти хусусида тўхтади.

Бугунги кунда республикамизда 2 минг 898 та



ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Андижонда “Мардона яшамок, Ватани асрамоқ — чин инсон бахти” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза мухбири



Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фести-

валь доирасида кўплаб тадбирлар ўтказилди. — Фестиваль ёшларни ватанпарварлик руҳи-да тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда кечаёт-

ган турли жараёнларга дахлдорлик туйғуси ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Андижон вилояти кенгаши раиси Бобур Йулдошев. — Бундай тадбирлар ёшларни миллийлигимизга ёт ишларга таъсирдан асраш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий билимини юксалтириш борасидаги ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Фестиваль доирасида ўтказилган ҳарбий техника ва жанговар қуроллар намойиши, миллий хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда ёшларнинг қўл меҳнати буюмлари кўргазмалари, спортчиларнинг чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Ички ишлар бошқармаси махсус хизмати, кинология бўлими, Миллий гвардия, ёнгин хавфсизлиги бошқармаси хизматчиларининг террорчиларни қуролсизлаштириш, қўлга олиш, ёнгинларни баргафат этиш, жанговар-қасбий салохияти борасидаги намойишларини ёшлар катта қизиқиш билан томоша қилди.

Аскарларининг ҳарбий техника ва жанговар қуроллардан фойдаланиш борасидаги кўргазмалари, ёшлар билан ўтказган мулоқот ва суҳбатлари навқирон авлоднинг ҳарбий соҳага қизиқишини ошириш, Ватанга мухаббат туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Таниқли санъаткорлар, эстрада хонандалари ижросидаги Ватан, истиқлол, тинчлик, ёшлик ва мухаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шўх рақслар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов сўзга чиқди.

ЎТИРОФ

Ислоҳотлар бесамар кетмас

Давлат ва жамият ривожига билим муҳим аҳамиятга эга. Шу боис республикамизда таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда илгор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Юртимизда бир қатор чет эл университетларининг филиаллари очилган. Уларнинг етакчи мутахассислари ёшларимизга таълим бермоқда. Баъзилари билан мулоқотда бўлдик.

Фарид ЮЗЛИКАЕВ,
Калининград халқаро педагогика-психология ва чет тиллари мактаби профессори (Россия Федерацияси):

— Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали билан икки йилдан буён ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ўзaro таъриба ва инновацион ишланмалар алмашиш бўйича келишувимиз бор.

Ўзбекистон таълим тизимидаги ўзгаришлар кўп давлатлар катори Россияда ҳам катта қизиқиш билан қабул қилиняпти. Ўзбек ҳамкасбларим янги педтехнологияларни тез ўзлаштирмоқда. Бу қувончли, албатта.

Ёшларининг устозларга муносабати ўзгача. Уларга дарс беришдан завқланаман. Чунки билимга иштиёқи баланд. Айниқса, илмий фаолиятидаги тиришқоқлиги ютуқлари тахсинга сазовор. Бундай ёшлар мамлакатнинг чин маънодаги бойлигидир!

Ха СОНГ ПЕК,
Тошкент шарқшунослик институти ўқитувчиси (Корея Республикаси):

— Корея ва Ўзбекистон дўстлиги узок тарихга бориб тақалади. Давлатларимиз таълим соҳасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни вақтда мен Ўзбекистонлик талабаларга корейс тилини ўргатыпман. Мен фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртида корейс факультети ҳам ташкил қилинган.

Мамлакатининг таълим тизими менга жуда маъқул. Ўзбек йигит-қизларининг иштиёқи ва ғайратига ҳавасим келди. Улар чет тилларини пуҳа ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Лекин она тилига ҳам ҳурмати баланд.

Ўзбекистонга келганимга кўп бўлгани йўқ. Лекин бир жихатни кўркмай эътироф эта олам: тараккиёт йўлидан илдамлаётганингиз тахсинга лойиқ. Бугунги сазий-ҳаракатлар келажакда ўз мевасини беришига ишонаман.

MUNOSABAT

Устоз улуғланган юрт юксалгай, албат

Дилмурод УСМОНОВ

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси

Япония бош вазирдан мамлакат технологик тараккиётининг сири нимадалиги ҳақида сўралганда, шундай жавоб берган экан: “Биз ўқитувчиларга вазирларнинг маошини, дипломатларнинг дахлсизлигини ва императорнинг ҳурматини бердик”.

Чиндан ҳам Иккинчи жаҳон урушидан сўнг таназул ёқасига келиб қолган Япония бугун дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири сифатида тан олинмоқда. Бу эса, сўзсиз, таълимга қаратилаётган эътибор самарасидир.

Ҳарқалай, таълимга эътибор юртимизда ҳам оз эмас. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 20 июлдаги “Фан ва олий таълим соҳаси ҳодимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фикримизнинг яққол тасдиғи бўла олади.

Ушбу ҳужжатнинг бош мақсади ўқитувчи ва олимларнинг жамиятдаги нуфузини янада юксалтиришга қаратилган. Шу аснода давлатимиз олий таълим муассасалари раҳбар ҳодимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошини табақалаштирилган ҳолда ўртача 25 фоизга оширишга қарор қилди. Бу шарафли касб эгаларининг кайфияти, кўйингки, ишга бўлган муно-

сабатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Аваллари даромад камлиги туфайли ўриндошлик асосида бошқа ерда ишлашга мажбур эдик. Бунда табиийки, ўқитувчининг кучи, диққати икки ёнга тақсимланади. Мана энди моддий таъминотимиз яхшиланганча бир жойда кўним топиб, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида бор салохиятимизни ишга соламыз, албатта.

Яна бир муҳим жихат. Қарорда олимлар ва ўқитувчиларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларида кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги иштирокчи таъминлаш масаласи кўтарилгани ҳам айни муддао. Шундай қилиб, илмий-тадқиқот олиб бораётган педагогларни моддий рағбатлантириш кўзда тутилган. Тан олиш керак илгари бу тизим жуда оқсарди. Топган даромади рўзгор тебратишга етмаслиги оқибатида ёш, мадақали кадрлар хорижга кетишга ва бошқа мамлакатлар манфаатларига хизмат қилишга мажбур эди. Энди бундай бўлмайди. Ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ олади, ўсади ва юксалади.

TAASSUROT

ТАҚДИМОТ ВА ТАКЛИФЛАР маъқул келди



Жорий ой аввалида Россиянинг Москва, Астрахань ва Волгоград шаҳарларида III Россия — Ўзбекистон ёшлар форуми бўлиб ўтган. Тадбирда юртимиздан 30 нафар делегат иштирок этди. Нуфузли таркибдан юртимиз илм-фани вакиллари ҳам ўрин олгани эътиборли жихат. Улардан бири — Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишламаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директори ўринбосари Акбархон Собирхонов мухбиримиз билан ўз таассуротларини ўртоқлашди.

— Бир ҳафталик форум доирасида ёшлар сиёсати, ижтимоий дипломатия, таълим, тадбиркорлик, туризм ҳамда замонавий медиа контентни ривожлантириш масалалари юзасидан россиялик тенгдошларимиз билан фикр алмашидик, — дейди Акбархон. — Астрахань шаҳрида бўлиб ўтган мулоқотлар жараёнида ёшларни инновацион фикрлашга ўргатишда мактаблардаги робототехника тўғрисидаги аҳамияти хусусида тақдимот қилдим. Ўзбекистон, бундай машғулотлар ўқувчининг физика, математика, информатика фаңларидан олаётган билимини мустаҳкамлаш ҳамда техника соҳасига қизиқишини оширишга хизмат қилади.

Форумнинг ўзида Россия томони билан бир қанча қўшма лойиҳалар, хусусан, робототехника бўйича мусобақа ва таъливлар ўтказишга келишиб олддик. Бундан ташқари, Астрахань давлат университети ҳамда Астрахань иқтисодий ривожланиш вазирлиги билан меморандумлар имзоланди.

Россия ёшларини 22 октябрь куни Ўзбекистонда старт оладиган “INNOWEEK” инновацион гоълар ҳафталиги доирасида ташкил қилинувчи халқаро робототехника мусобақасида иштирок этишга ҳам таклиф қилдик. Мазкур ташаббусни улар катта қизиқиш билан қабул қилди.

Ҳасан УСМОНОВ ёзиб олди.



1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Ikki yoshli farzandim bor. Maktabda ishlayman. Darsim ikki smenada. Har juma soat 7:30 da ma'naviyat soati o'kaziladi. Shu tadbirda qatnashishim majburiymi?

Sardora YUNUSOVA
Navoiy shahri



Savolga huquqshunos Asror ERGASHEV javob beradi:

— Yo'q, majburiy emas. Homilador, shuningdek, o'n to'rt yoshga to'lmagan bolasi (o'n olti yoshga to'lmagan nogiron bolasi) bor ayollarni ularning

rozilgisiz tungi ishlar, ish vaqtidan tashqari ishlar, dam olish kunlaridagi ishlarga jalb qilish hamda xizmat safariga yuborishga yo'l qo'yilmaydi.

Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.

YOSHLIK ILHOMI

O'zlikni anglash

Nursaidbek ERGASHEV,
Respublika yoshlar markazi Qoraqalpog'iston bo'linmasi "Yosh jurnalistlar" to'garagi a'zosi

Inson qachon yashashni boshlaydi? Qachonki hayoti o'zini ekanini anglasa! Birovning qo'li bilan hayotni go'zal qilib bo'lmaydi.

Nahot hammasi shunchalar oson bo'lsa, kimdir yo'l ko'rsatsa-yu, ana shu yo'ldan bir qadam ham chetga chiqmay yurib boraversang.

Qachondir mustaqil yashash kerak-ku. Faqat buni kimdir juda erta, kimdir juda kech boshlaydi. Shu vaqtgacha o'tilgan masofa, boshdan kechirilgan azobu uqubatlar, topganlar va yo'qotganlar ham o'zing bilan birga qoladi.

Xonada yolg'iz qolarkansan, xayolga cho'masan. Shunda senga bir gapni uqtiradi, ko'ngil esa, haqiqatni aytadi.

Xato

Oradan shuncha yil o'tsa ham, sira o'zgaribsang. Har safar seni uchratganim hamon yuragim qayta yaralanaveradi. Bunga o'zim sababchi.

Ha, inson bilib-bilmay o'ziga bino qo'yishi mumkin ekan.

Hammasi kechagidek yodimda. O'quvchilik davrim, samimiy qiziqish va u bilan tanishuv. Sevgi nimaligini bilmasdim o'shanda. Oradan vaqt o'tgach, tuyg'ular soxtaligini tushundim. So'nggi qo'ng'iroq va sen! Yurak boshqacha ura boshlagan va aqlga bo'ysunmagan on. Ko'z o'ngimda faqat va faqat sen. Afsuski, u sening dugonang. Men haqidagi gaplar senga ma'lum. Men haqidagi o'ylaring esa menga noma'lum. Inkor etilgan sevgi... Taqdir hazili... Hayotimdagi eng katta xato u!

HIKMAT

Imsizlikdan qo'rqma, noto'g'ri imldan qo'rq. Dunyodagi barcha zulm shundan.

Lev TOLSTOY

TOPSHIRIQLI AYLANMA SKANVORD

Avval skanvord javoblarini katakchalarga soat mili yo'nalishida yozing. So'ng shaklning ostki qismidagi topshirqli skanvord javoblari yozilgan raqamli xonalardagi harflar bilan almashtirish orqali yeching. Shunda qomusiy shonli Abu Ali ibn Sino yozib qoldirgan hikmatni bilib olasiz.

A circular word search puzzle with various words hidden in a grid. Words include: Viloyat, Tanqis chiqqun hamon, Ko'ngil yo'nalish, Dorboz anjomi, Metallni tarqatuvchi jism, Naf, foyda, Ko'ngil yo'nalish, Samsa turi, Janub mevasi, Vaqtli nashr, Fransiyadagi shahar, Qovun navi, Sayflovchi, Ibn Sino vatani, Chap qit'ot, Suv insoni, Dengiz say-yohi, Zargarlik toshi, Latifa qahramoni, Juft urma soz, Sharif shariat, Babo-rahim (shoir), Ayollar ismi, Dalar oromgohi, Mavzu zar bun-yodkori, Topshirmaq, Tiq il qurol, Mung'ayli yo'zuv ashyasi, O'zbek ammiyot shonli, Buz'g'ay navi, Tezlik, Eng yuqori mavzu, Bino-ning oid qismi.

Abu Ali ibn Sino hikmatlari

14	1	2	*	8	12	2	11	9	*	14	1	19	*	4	11	19	*	
18	11	5	11	*	16	17	11	15	9	11	4	11	7	1	5	11	4	*
14	12	9	18	11	20	*	14	10	*	18	17	11	15	1	6	1	2	*
17	11	4	*	5	12	2	11	9	*	3	10	9	21	*	11	15	*	*
7	16	19	*	13	10	2	11	5	11	*	20	8	9	11	17	1	*	*

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

KITOB JAVONINGIZGA

Ko'ngil obidasiga yo'l

Dilmurod DO'ST

Ba'zi kitoblarni ko'tarib yurishga uyalasan. Birov sovg'a qilsa yoki qaysidir taqdimotda qo'lingizga ilinsa, darrov berkitishga harakat qilasan.

Lekin shunday kitoblar borki, ularni ochiq-oshkora namoyish qilgning kelaveradi. Bu maqtanish emas, balki o'zingga ravo ko'rganini boshqalarga ham ilinshidir. Go'yo shu bilan odamlarga: "Mana, yaxshi kitob. Albatta, topib o'qinglar", demoqchi bo'lasan.

Shodmonqul Salomning "Ko'ngil obidasiga yo'l" nomli kitobi haqida ana shunday fikrlarni aytish mumkin. Esse va publitsistik maqolalardan tarkib topgan mazkur saylanma O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi tomonidan "Adib va jamiyat" ruknida chop etilgan.

Yozuvchi va shoirning publitsistikasi jurnalistikadan farq qiladi. Sodda qilib aytganda, ko'ngilga yaqinroq. Takror o'qisang-da zerikmaysan. Aksincha, sevib mutolaa qilasan. Birgina misol, Shukur Xolmirzayev asarlari to'plamining essalar jamlangan to'rtinchi jildini olaylik. Shirin yozilgan. Kayfiyati ham juda yuqumli. Yoki avar shoiri Rasul Hamzatov qalamiga mansub "Mening Dog'istonim" badia shaklidagi eng go'zal asarlardan biridir. Shodmonqul Salomning "Ko'ngil obidasiga yo'l" ustozlar ijodiga havas bilan bitilgan bo'lsa, ajab emas.

Kitob mutolaasiga kirishasiz-u, ko'p



o'tmay sahifalaridan folklorning tanish bo'yini tuyasiz. Qoningiz gupurib, jo'shadi. Ustoz mutarjim Ibrohim G'ofurov kitob so'zbohisida yozganidek: "Shoirning bu kitobini varaqlab chiqmoqchi bo'lasiz, vaqt omonsiz tazyiqqa olayotganini butun yuqindigida his qilib turasiz, ammo varaqlab chiqolmaydiz: so'zlar, fikrlar, quyilmagan ifodalalar, qo'lbola hikmatlar, ajabovur yuqalar va ularning yanada ajabovurroq personajlari nazaringiz, fikringiz, xayolingizni chulg'ab oladi. Bu ajabovur narsalarni dam qalami bor elshunos, dam tuyg'usi toza va toshqin shoir, dam dardli, kayinchak jurnalist qog'ozga tushirganga o'shaydi..."

Mutolaa tulporiga qamchi urib, "so'zboshi"dan o'taman. Kitob mundarijasi-da "Birinchi qism" degan nomga birikkan es-selarni, maqolalarni o'qiyman. O'qiyman-u, mening ham Turdixolday opam bo'lishini orzu qilaman. Agar shunday so'zsevar, so'zsezar opam bo'lganida o'qiganlarim, yodlaganlarim haqida miriqib gaplashardim. Unga asarlardan yon daftarimga ko'chirib olgan iqtiboslarimni ham ko'rsatardim. Shunday tabiiy va beixtiyoriy xayollar qanotida "Ko'ngil obidasiga yo'l"dan top-

ganim xushfikrlarni yondaftaringa yoza boshlayman:

"...Odamning ham xuddi chinorday, yan-toqday ildizi bor, tomirsiz o'ladi odam ham! Ishoning! Ana shu ildizning nomi — Vatani!"
"...Shoir o'zini tanigandan so'ng she'r yozadi. Taniguncha qilgan mashqlari unga shon-shuhrat, obro' keltirar, ehtimol, ammo abadiyat bermaydi!"

"...Bizing qo'ng'iroq bobolar aytmoqchi, chavandoz bo'lsang, qamching yulduzga tegib qaytsin, bo'lmasa, otdan tush!"
"...o'z ovozigga, nigohiga, aytish usuliga ega bo'lsh katta ijodiy baxt! Bu — Xudodan! O'z she'ringini yozishing uchun o'zing bilan yaxshilab tanishib ol!"

"...so'zni fikrga qul qilmang! Fikr ham tuyg'u va so'zga tobe bo'lmasin! Ular o'rtasidagi nozik uyg'unlikni, nozik masofani tuta bilish, ko'ya olish kerak! Qo'lgini iste'dod va mehnat hal qiladi!"

Kitobning o'ngidan so'l sahifasi qalinlashib boravergani sayin ko'ngilga yurak urishiga hamohang nedir isyon ko'tarib, ko'krak devorlariga bosh urayotganini his qilasiz. Vatani, adabiyot, so'z, shoir va she'riyat haqidagi fikrlaringiz kitobdagi bitiklardan rang olib, anchadan beri so'zga sololmay yurgan o'ylaringizning birdan balog'atga etib qolganini anglaysiz. Garchi bu jumla siyqa bo'lsa-da, muallif dilingizdagi gaplarni bitib qo'yganidek taassurot uyg'onadi. Shoir yuragidagi og'riq sizga ham yuqadi. Mutolaadan mutolaasiz o'quvchi sifatida bir muddat atrofga, odamlarga, o'zaro munosabatlarga ijodkor ko'zoynagidan qaraysiz. Va shunda "Ko'ngil obidasiga yo'l"da duch kelganingiz egasiz savollarga o'zing bo'lib javob berajingiz lozimligi, kitobda ko'tarilgan turfa masalalarga sizda ham aytar gap borligi qachondir, nimalargadir chalg'ib, unutilib, to'satdan yodga tushganidek bo'ladi. Shohib, kompyuterni yoqasiz, monitorida siz bilan yuzma-yuz turgan qog'ozshakl o'q sahnga o'ylaringizni ko'chirib boshlaysiz. Endi, bu sizning ko'ngil obidangizga borajak yo'lning boshi bo'lsa, ne ajab...

Oqibat

Rahmat BOBOJON

Oqibat haqida bir soat ma'ruza o'qigan ustoz, o'quvchisi olgan ruchkasini qaytarmagani uchun bironing haqqi haqida yana ikki soat va'z o'qidi.

Baxtsiz baxtiyor

"Bu odam juda mahzun yuradi. Yuziga ajinlar tushgan, sochlari oqargan, ko'zlarining tubida bir olonning so'ngan cho'g'i bor... U ko'zgudan uzoqlashgach, nabiralari quvnashib tizzasiga o'tirdi.

O'QING, BU QIZIQ!

Yupiter sayyorasi Yerga nisbatan 318 marta og'ir. Unda bir kecha-kunduz davomiy-ligi 9 soat, 50 daqiqayu 30 soniyaga teng.



Janubi-Sharqiy Osiyodagi Malay arxipelagida rekord darajada ko'p — 17 mingta orol jamlangan. Uning hududiga Indoneziya Respublikasi ham kiradi.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdalievich

TAHRIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeov, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich
Navbatchi
To'maris Butunboyeva
"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narkda.
Buyurtma G-1036
Adadi — 11583
O'zbekiston Respublikasi
Boshiga topshirish vaqti — 21.00
Tepshirildi — 00.45
O'ZAK yakuni — 22.50
O'zbekiston Respublikasi